



Бугун "Ўрта Осиё" ёхуд "Марказий Осиё" деб номланувчи турк тарихида муҳим ўрин эгаллаган Туркистоннинг географик ҳудуди: Ҳазар (Каспий) денгизи билан Хуросон тоғлари, жанубда Ҳиндикуш ва Сафедкӯх тоғлари, шимолда Қозогистон саҳроларининг шимолий ҳудудлари орасида қолган ва 5.340.066 км² лик майдондан иборатдир.



Бугун "Ўрта Осиё" ёхуд "Марказий Осиё" деб номланувчи турк тарихида муҳим ўрин эгаллаган Туркистоннинг географик ҳудуди: Ҳазар (Каспий) денгизи билан Хуросон тоғлари, жанубда Ҳиндикуш ва Сафедкӯх тоғлари, шимолда Қозогистон саҳроларининг шимолий ҳудудлари орасида қолган ва 5.340.066 км² лик майдондан иборатдир.

Тарих ва этнография жиҳатидан бутунлай туркий минтақадир. Ҳитой ишғоли остидаги 1.505.563 км² лик қисмига «Шарқий Туркистон», ғарбдаги 5та республика: Қозогистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон жойлашган 3.836.503 км² лик қисмига эса «Гарбий Туркистон» дейилади.

Турк-ислом тарихида жуда муҳим роль ўйнаган, буюк олим ва авлиёлар етишиб чиққан, маданият маркази бўлган буюк Туркистон, нега Россия ва Ҳитой мустамлакасига айланиб, инсоният тарихи қайд этган энг улкан фожиа ва зулмларга мубтало бўлди?

Туркистоннинг бошига тушган бу улкан фалокат ва зулмлар, афсуски, етарлича тадқиқ қилинмади, ёзилмади. Буларни бутун турк халқларига ва жаҳонга маълум қилиш учун тадқиқот институтлари очиш, докторлик диссертациялари ёзилиш керак. Туркияда бу

мавзуда илк жиддий кадамларни профессор Мехмет Сарой ташлади. Профессор Мехмет Сарой Туркистоннинг Россия ва Хитой тарафидан ишгол килиниб, мустамлакага айлангирилишининг асосий учта сабабини куйидагича изохлайди:

Эроннинг йўлтарсарлиги

Туркистон халки, асрлардан буён хитой ва хинд молларини Кора денгиз ва Ок денгиз портларига етказиб, катта даромад кўлга киритарди. Шиа эътикодли Эрон мана шу тижорат йўлини ёпиб, Туркистонни Якин шарк бозорларидан махрум қилди. Бу Туркистон халкининг тобора кашшоқлашишига, илм-фан ва маданиятдан ортда қолишига сабаб бўлди. Бу фақирлик кўп ўтмай Туркистоннинг ҳарбий қучига ҳам таъсир кўрсатди ва айниқса ўточар қуролларда қўшниларидан анча ортда қолди.

Марказий идоранинг йуклиги

Темур империясининг парчаланишидан кейин Туркистонда 3-4 та кичик хонликлар пайдо бўлди. Булар Бухоро, Хива ва Ҳўканд (Қўқон) билан шарқда Қашғар давлати эди. Туркистондаги бу хонликларнинг рус истилосига қарши ўзларини етарлича мудоффа қила олмасликларининг энг муҳим сабаби, туркларнинг қучли марказий идорадан беназиб бўлишлари эди. Хонликлар қуч-қувватни ўз халқига зўравонлик қилишда деб биларди.

Халифага қулоқ солмасликлари

Усманий ҳукумати ва подишоҳлари ҳар доим туркистонликларнинг бирлик, дўстлик муносабатларида бўлишлари учун тавсия ва қўрсатмалар беради. Усманийлардан хонликларга жуда кўп делегациялар ташриф буюради. Лекин шунча насиҳатга қарамайдан, хонларнинг доимо бир-бири билан тўқнашуви, қуч-қувватларини бекорга сарфлаб, заифлашишига йўл очди.

Натижа

Юқорида айтиб ўтилган сабаблар туфайли Туркистон иқтисодий жihatдан заифлаб, оқибатда таълим ва ривожланишда ҳам орқада қолишига сабаб бўлган. Жаҳолат, фақирлик, тарқоқлик натижасида турк халқлари русларнинг ҳарб саноатида эгаллаган интизомли ва қучли ўточар қуроллари қаршисида бутун қаҳрамонликларига қарамайдан мағлуб бўлишдан қутула олишмади.

Русларнинг риёқорлиги

Ишгол йилларига доир воқеалар тадқиқ қилинганида, руслар ҳар қанча инқор қилишса ҳам, халқаро ва давлатлараро ҳуқуқни энг кўп бузган тараф руслар бўлгани маълум бўлади. Замонавий қуролларга эга Россия армиясининг бундай қуролларга эга бўлмаган Хива, Қўқон ва Бухоро қўшинларига қарши олиб борган урушларида табиий ҳолатда, осонгина зафарга эришганини қўришимиз мумкин. Лекин русларнинг бу устунликларига қарамай, ишгол қилган ерларидаги қатлиом ва

зулмларини тушуниш мумкин эмас. Айниқса, “Ўрта Осиёга “маданият” олиб борябмиз” дея бу килмишларни хас-пўшлашлари русларнинг канчалик риёкор эканликларини кўрсатади.